

**Хайдаров М.Т.,**

иқтисод фанлари номзоди, доцент

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҚИЙМАТЛАРИ ЎЗГАРИШИ БОРАСИДА СЧЁТЛАР БҮЙИЧА ҲИСОБ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

## **ХАЙДАРОВ М.Т. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҚИЙМАТЛАРИ ЎЗГАРИШИ БОРАСИДА СЧЁТЛАР БҮЙИЧА ҲИСОБ ЮРИТИШ ТАРТИБИ**

Мақолада бюджет ташкилотларида асосий воситалар қийматининг ўзгариши, улар ҳисобини юритиш ва қайси счёtlарда бу жараёнлар акс этиши масалалари ёритилган.

Таянч иборалар: асосий воситалар, ҳисоб, счёtlар, қиймат, ўзгариш, синтетик ҳисоб, аналитик ҳисоб.

## **ХАЙДАРОВ М.Т. ПОРЯДОК ВЕДЕНИЯ СЧЕТОВ УЧЕТА ИЗМЕНЕНИЯ СТОИМОСТИ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ**

В статье обсуждаются вопросы изменения стоимости основных фондов и других долгосрочных активов, и специфика долгосрочных активов не относящихся к основным фондам. Приводится порядок отражения этих процессов на счетах аналитического и синтетического учета на основе конкретных примеров.

Ключевые слова: основные фонды, учет, счета, стоимость аналитические счета, синтетические счета.

## **KHAYDAROV M.T. THE ORDER OF BASIC CAPITAL PRICES CHANGE AND THOSE REFLECTION IN BOOKING OF PUBLIC BUDGET ORGANIZATIONS**

There is discussed in the article the costs of basic capital changes and those reflection in booking in public budget organizations. There is provides as well order of basic capital accounting on the synthetic and analytic accounts on practical cases.

Keywords: basic capital, accounting, cost, synthetic accounts, analytic accounts.

**Асосий воситаларни қайта баҳолаш – асосий воситалар объектларининг тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақтивақти билан аниқлаштиришдир. Асосий воситалар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисбботда жорий қиймат бўйича акс эттирилади.**

Асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати қайта баҳоланган ҳолларда қайта баҳолаш ўтказилган санадаги уларнинг жамланган эскириши асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ўзгаришининг тегишли индексларига тузатилади ҳамда кейинги ҳисобланадиган эскириш қайта баҳоланган қиймати ҳисобидан амалга оширилади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг ошиши 01 счёtnинг тегишли субсчётлари дебетида, ҳисобланган эскириш суммасининг ошиши 02 счёtnинг тегишли субсчётлари кредитида ва молиявий натижаларнинг ошиши мазкур асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда, 28 счёtnинг якуний моливий натижаларни ҳисобга оловчи тегишли субсчётлари кредитида акс эттирилади (мисол 1).

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситалар қийматининг камайиши 01 счёtnинг тегишли субсчётлари кредитида, ҳисобланган эскириш суммасининг камайиши 02 счёtnинг тегишли субсчётлари дебетида ва молиявий натижаларнинг камайиши эса мазкур асосий воситанинг кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда, 28 счёtnинг якуний моливий натижаларни ҳисобга оловчи тегишли субсчётлари дебетида акс эттирилади (мисол 2).

**02 «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти.** Ташкилотлар асосий воситаларининг эскириши қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотлар асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрларидан (кейинги ўринларда эскириш меъёрлари деб юритилади) келиб чиқсан ҳолда, ҳар йили аниқланади ва ҳар ойда шу ташкилот-

ларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбботида акс эттирилади.

Бу счётда ташкилот ҳисобида (балансида) турган асосий воситаларнинг эскириб бориши акс эттирилади. Эскириш иморатлар, иншоотлар, узаткич мосламалар, машина ва жиҳозлар, иш ҳайвонлари ва транспорт воситалари, ишлаб чиқариш (ашёларни ҳам қўшиб) ва хўжалик инвентарлари ҳамда фойдаланиш мумкин бўлган ёшга етган кўп йиллик дарахтлар, буталар ва бошқа асосий воситалар бўйича аниқланади ва ҳисобга олинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, зарур ҳолларда, ўзларининг тизимидағи ташкилотларда асосий воситаларнинг эскириши меъёрларини асосий воситаларнинг техник шартлари ва/ёки тайёрловчи-ташкилотлар тавсияларига мувофиқ асосий воситалар обьектларининг самарали фойдаланиш муддатини ҳисобга олган ҳолда, тегишли қонунчилик билан белгиланган меъёрлардан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда белгилашлари мумкин.

Асосий восита обьектларида амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация натижасида дастлабки қабул қилинган меъёрий кўрсаткичлари яхшиланиши (оширилиши) ҳолларда ташкилотлар шу обьектнинг амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция ёки модернизация ишлари тугатилган ойдан кейинги ҳисббот ойининг биринчи санасидан бошлаб шу обьектнинг самарали фойдаланиш муддатини қайта кўриб чиқадилар.

**Мисол 1. Бюджет ҳисобидан транспорт воситаси олинган бўлса:**

	Дебет	Кредит	Жами
2014 йил март ойида олинган енгил автомашинани баланс қийматига тегишли индекс қўлланилганда ( $35.7 \text{ млн. сўм} \times 1.045 = 37.3 \text{ млн сўм}$ $(37306.0 - 35700.0 = 1606.0 \text{ минг сўм})$ )	015	280	1606.0
Бир вақтнинг ўзида жамланган эскиришга ҳам тегишли индекс қўлланилганда ( $35.7 : 5 \text{ йилга} = 7140 \text{ минг сўм}$ : $12 \text{ ойга} = 595 \text{ минг сўм} \times 9 \text{ ойга} = 5355 \text{ минг сўм}$ ) ( $5355 \text{ минг сўм} \times 1.045 = 5596 \text{ минг сўм}$ $(5596 - 5355 = 241 \text{ минг сўм})$ )	280	025	241.0

**Мисол 2. Бюджет маблағлари ҳисобидан қурилган нотурар жой иморати мавжуд бўлса:**

	Дебет	Кредит	Жами
Ушбу бюджет маблағлари ҳисобидан қурилган нотурар жой иморатининг дастлабки (тикланиш) қиймати (эски қиймати) 50.0 млн. сўмни ташкил этган эди, ўтказилган кадастр қиймати эса 47.0 млн. сўмни ташкил қилди, фарқи $50.0 - 47.0 = 3.0 \text{ млн. сўм}$ (камайишини фоиз ҳисобида аниқласақ, $3.0 \text{ млн сўм} : 50.0 \text{ млн сўм} = 6\%$ ).	280	011	3.0 млн сўм
Ҳисобланган эскириш суммаси 35.0 млн сўмни ташкил этган эди, ҳисобланган эскириш суммасини ҳам камайтирамиз ( $35.0 \text{ млн сўм} * 6\% = 2.1 \text{ млн сўм}$ ).	021	280	2.1 млн сўм

Беғараз олинган асосий воситалар обьектларининг самарали фойдаланиш муддати қўйидагича аниқланади:

ташкilotлардан олинганлар учун – амалда фойдаланилган муддатларини ва аввал ҳисобланган эскириш суммасини ҳисобга олган ҳолда;

бошқа юридик ва жисмоний шахслардан олинганлар учун – ташкilotларда доимий ишлайдиган инвентарлаш комиссияси томонидан белгиланган обьектнинг бозор баҳоси ва фойдаланиш муддатидан келиб чиққан ҳолда.

Эскириш қўйидаги асосий воситалар бўйича аниқланмайди: архитектура ва санъатнинг ноёб ёдгорликлари бўлган иморатлар ва иншоотлар, кабинет ва лабораторияларда жойлашган ўқув ишлари ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган жиҳозлар, экспонатлар, нусхалар, амалдаги ва амал қўлмаётган моделлар, макетлар ва бошқа кўргазмали қўлланмалар, маҳсулдор қора моллар, қўтослар, ҳайвонот олами экспонатлари (ҳайвонот боғи ва шунга ўхшаш ташкilotларда), фойдаланиш

мумкин бўлган ёшга етмаган кўп йиллик кўчатлар, кутубхона фондлари, фильмлар фонди, саҳнага қўйиш ускуналари, бадиий ва музей буюмлари.

Асосий воситалар обьекти бўйича эскиришни ҳисоблаш мазкур обьект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ҳамда мазкур обьектнинг дастлабки (тикланиш) қиймати доирасида ёхуд бу обьектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

Ҳисобот йили мобайнида асосий восита обьектлари бўйича эскириш ҳар ойда йиллик эскириш суммасининг  $1/12$  миқдорида ҳисобланади.

Асосий восита обьектлари бўйича эскиришни ҳисоблаш асосий воситаларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати тўлиқ қопланган ёхуд бу обьект балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тўхатилиади.

Асосий воситалар обьектининг самарали фойдаланиш муддати мобайнида эски-  
иқтисод ва молия / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2015, 11

риш ҳисобланиши тўхтатилмайди, объектларда амалга оширилган қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, реконструкция, модернизация, техник қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилиши туфайли тўлиқ тўхтатилган ҳоллар бундан мустасно.

Асосий восита объектлари бўйича эскиришни ҳисоблаш ҳисбот даврида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида тегишли ҳисбот даврида акс эттирилади.

Эскиришни ҳисоблаш асосий воситалар объектлари қийматининг 100 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Ҳисбот йили мобайнида бухгалтерия ҳисби ва ҳисботларда асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши, кирим қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши (эскирганлиги туфайли тугатилиши муносабати билан уларнинг ҳисобдан чиқарилиши натижасида ҳам) ҳисобига эскиришнинг умумий суммаси ўзгариши мумкин.

Ҳар ойда ҳисбланган эскириш суммаси тегишли инвентар карточкалар (китоблар) да асосий воситалар объектлари бўйича ҳисби ёзиб борилмайди. Агар асосий воситалар тугатилаётганда ёки бошқа ташкилотга берилаётганда, шунингдек объектлар эскиришининг йиллик меъёри белгиланган тартибда ўзgartирилаётган бўлса, асосий восита объектларининг бутун фойдаланиш муддати мобайнида ҳисбланган тўлиқ эскириш суммаси алоҳида инвентар объектлари бўйича аниқланади.

Аввал фойдаланишда бўлган асосий воситалар бир ташкилотдан бошқасига берилаётганда, шунингдек тугатилиши сабабли ҳисобдан чиқарилаётганда объектларнинг дастлабки (тикланиш) қиймати ва мазкур йўриқномага мувофиқ ўрнатилган тартибда ҳисбланган эскириш суммаси кўрсатилган ҳолда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

Бошқа ташкилотлардан беғараз олинган ва аввал фойдаланишда бўлган асосий воситалар-инвентар объектлар келиб туш-

ганда, қабул қилиб оловчи томон бухгалтерия ҳисобида уларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан эскиришини айрмаган ҳолда 01 «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчёtlари дебетида ва уларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан эскиришини айрган ҳолда 262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчёtti кредити ҳамда берувчи ташкилотларнинг ҳужжатларига мувофиқ мазкур объект эскириш суммасига 02 «Асосий воситаларнинг эскириши» счётининг тегишли субсчёtlари кредити бўйича акс эттирилади.

Бошқа ташкилотлардан келиб тушган аввал фойдаланишда бўлган объектлар бўйича эскириш суммаси тегишли инвентар карточкалар (китоблар)га ёзилади.

Келгусида фойдаланишга яроқли бўлган алоҳида объектлар қийматининг 100 фоиз миқдорида эскириш ҳисобланиши, уларнинг тўлиқ эскириш ҳисбланганлиги сабабли ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Ташкилотлар асосий воситаларига эскиришни ҳисоблаш меъёрлари қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Ҳозирги кунда «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 29 ноябрдаги 68-, 38-, 4-сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 19 декабрда 2538-рақам билан рўйхатга олинган.

Мисол учун, ушбу Низом иловасидаги бюджет ташкилотлари асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрларидан бюджет маблағи ҳисобидан олинган енгил автомашина учун эскиришни ҳисоблашни кўриб чиққанимизда қуйидаги маълумотларга амал қилинади («5 гурӯҳ» иқтисод ва молия / экономика и финансы 2015, 11

«Ҳаракатланувчан транспорт»лардан 5-қатордаги «Енгил автомобиллар»)

1. 100% : 20% (белгиланган меъёрга) = 5 йил.

2. 25.0 млн. сўм : 5 йилга = 5.0 млн. сўм. ҳар йилда.

3. 5.0 млн. сўм: 12 ойга=416.7 минг. сўм ҳар ойда.

	Дебет	Кредит	Сумма
Ҳар ой бюджет маблағи ҳисобидан эскириш ҳисобланганда	231	025	416.7 минг сўм
Агар автомашина бошқа маблағлар ҳисобидан олинган бўлса	241.251. 261.271	025	x

02 «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти ҳисобда қўйидаги субсчётларга бўлинган ҳолда акс эттирилади:

020 «Турар-жой иморатларнинг эскириши»;

021 «Нотурар жой иморатларнинг эскириши»;

022 «Иншоотларнинг эскириши»;

023 «Машина ва жиҳозларнинг эскириши»;

025 «Транспорт воситаларининг эскириши»;

029 «Бошқа асосий воситаларнинг эскириши».

Мазкур субсчётларнинг кредит томонида асосий воситаларга эскириш ҳисобланиши, дебет томонида эса ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Ҳар ойда ҳисобланган эскириш суммасига асосий воситани кирим қилиш манбасидан ҳамда операциянинг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебети бўйича ва 02 счёtnинг тегишли субсчётлари кредити бўйича алоҳида мемориал ордер (274-шакл) тузилади.

03 «Бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар» счёти

Бу счётда ташкилотлар ўзларининг зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган фаолиятларни амалга ошириши, шунингдек ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиш мақсадида узоқ муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк обьектлари бўлган номоддий активларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар умумлаштирилади.

Активларни бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилиш ва уларга нисбатан қўйиладиган талаблар қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади.

Номоддий активлар қўйидагилар натижасида ташкилот балансига киритилади:

ишлаб чиқариш тугаганидан сўнг яратилган обьектни қабул қилиш-топшириш;

олди-сотди шартномаси бўйича обьектни сотиб олиш;

беғарас келиб тушиш;

ортиқча (ҳисобга олинмаган) номоддий активлар обьектларини аниқлаш;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларга кўра.

Сотиб олинган, шунингдек ташкилотнинг ўзида яратилган номоддий активларнинг дастлабки қийматига уларнинг сотиб олиш нархи (таннархи) ва уларга қилинган барча харажатларининг тўлиқ суммасида, жумладан мазкур номоддий активларни етказиб бериш ва ўрнатиш, ишга тушириш ва бошқа шу билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда киритилади.

Жумладан, сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати қўйидаги харажатлардан ташкил топади:

ҳуқуқдан воз кечиши (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгаси (сотувчи)га тўланган суммалар;

ҳуқуқ эгасининг мутлақ ҳуқуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш

йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга үхшаш тұловлар;

божхона божлари ва йиғимлари;

номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тұланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тұловлар суммалари (агар улар қопланмаса);

номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тұланған суммалар;

номоддий активлар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тұланадиган ҳақлар;

номоддий активлар обьектларини етказиб бериш таваккалчилегини суғурталаш бўйича харажатлар;

активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тұлаш билан боғлиқ харажатлар, сотиб олиш бўйича шартномаларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритilmайди, балки улар содир бўлган ҳисбот даврида ҳақиқий харажатлар сифатида ҳисботларда акс эттирилади.

Ташкилотнинг ўзи томонидан яратылған (ишлаб чиқылған) номоддий активларнинг бошланғич қиймати ушбу номоддий активларни ишлаб чиқарышга сарфланған ҳақиқий харажатлар суммаси сифатида аниқланади (мисол 3).

Номоддий активлар чет эл валютаси ҳисобига сотиб олинишида сотиб олинаётгандык номоддий активларнинг қиймати операция содир этилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини сўмга ҳисоблаб ўтказиш йўли билан аниқланади.

Сотиб олинган номоддий активларнинг қиймати (сотиб олиш нархи, шунингдек етказиб бериш ва бошқа қўшимча харажат-

лар) ҳисобда 080 «Номоддий активларга харажатлар» субсчётининг дебетига ва 15 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счётининг тегишли субсчёtlари кредитига ёзилади. Номоддий активларнинг дастлабки қиймати бўйича кирим қилиниши 030 «Номоддий активлар» субсчётининг дебетига ва 080 «Номоддий активларга харажатлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

Бошқа юридик ва жисмоний шахслардан беғарас олинган номоддий активлар ҳисобда мазкур номоддий активнинг бухгалтерия ҳисобига кирим қилиш вақтида белгиланған тартибда аниқланған жорий бозор қиймати бўйича 080 «Номоддий активларга харажатлар» субсчётининг дебетига ва 262 «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётининг кредитига ёзилади. Агарда ушбу номоддий актив бўйича етказиб бериш ва ишчи ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлар амалга оширилса, у ҳолда ушбу харажатлар мазкур номоддий активнинг қийматини оширади ва ҳисобда 080 «Номоддий активларга харажатлар» субсчётининг дебетига ва 15 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» ёки бошқа тегишли счёtlарнинг субсчёtlари кредитига ёзилади. Номоддий активнинг қиймати бўйича кирим қилиниши 030 «Номоддий активлар» субсчётининг дебетига ва 080 «Номоддий активларга харажатлар» субсчётининг кредитига ёзилади.

Инвентаризация жараёнида аниқланған ҳисобга олинмаган номоддий активлар, ортиқча чиқиш аниқланған санадаги айнан шунга үхшаш номоддий активларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади), белгиланған тартибда ташкилот ҳисобига қабул қилинади ҳамда бухгалтерия ҳисобида 030 «Номоддий активлар» субсчётининг дебетисод ва молия / экономика и финансы 2015, 11

**Мисол 3. Мисол учун, бюджет ташкилотига бюджет маблағи ҳисобидан компьютер дастури (программаси) сотиб олинди:**

	Дебет	Кредит	Сумма
1. Бюджет маблағи ҳисобидан номоддий актив сотиб олиш учун маблағ ўтказилганда (мисол учун АСБО дастур сотиб олиш учун)	159	232	2.0 млн. сўм
2. АСБО дастури (диск) сотиб олинганни ҳақидаги ҳужжатга асосан бюджет ташкилотига кирим қилинганда	080	159	2.0 млн. сўм
3. Сотиб олинган АСБО дастури (диск)ни ташкилотга ўрнатиш учун қўшимча харажатлар (масалан сафар харажатлари) қилинганда	159	232	0.2 млн. сўм
4. Сотиб олинган АСБО дастури (диск) ташкилотга ўрнатилганда	080	159	0.2 млн. сўм
5. Номоддий активларни харид қилиш ва унинг яратилиши билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади ва номоддий актив сифатида ҳисобга олинди	030	080	2.2 млн. сўм

**Бошқа юридик ва жисмоний шахслардан беғараз олинган номоддий активлар**

Бошқа юридик ва жисмоний шахслардан беғараз олинган номоддий активлар ҳисобида мазкур номоддий активнинг бухгалтерия ҳисобига кирим қилиш	080	262	1.3
Агарда ушбу номоддий актив бўйича етказиб бериш ва ишчи ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлар амалга оширилса	080	159	0.1
Номоддий активнинг қиймати бўйича кирим қилиниши	030	080	1.4

**Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган номоддий активлар**

Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган номоддий активлар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш номоддий активларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланишда:	030	273	0.8
--	-----	-----	-----

тида ва 273 «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчёти-нинг кредитида акс эттирилади.

Номоддий активлар фойдаланишга яроқсиз ҳолга келгунига қадар ҳисобда акс эттирилади. Фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган номоддий активлар белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активлар қўйидагилар на-тижасида ташкилот балансидан ҳисобдан чиқарилади:

- туғатиш;
- сотиш;
- беғараз бериш;
- камомад ёки йўқотишнинг аниқланиши;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Яроқсиз ҳолатга келиши муносаба-ти билан номоддий активлар қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 030 субсчётнинг кредитига ва номоддий активнинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга оловчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебетига ёзиш йўли билан акс эттирилади.

Ташкилотлар томонидан номоддий активларнинг беғараз берилиши ҳисобда 030 субсчётнинг кредитида ва номоддий активнинг кирим қилиш манбасидан келиб чиққан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга оловчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебетида акс эттирилади.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқа-ришда асосий воситаларни ҳисобдан чиқа-

ришда түлдириладиган ҳужжат шаклларидан фойдаланилади.

Номоддий активларнинг инвентаризацияси қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий-жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиқсан номоддий активлар ҳисобдан чиқарилишидан кўрилган зарар ташкилот ҳисобига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида номоддий активнинг қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 030 субсчётнинг кредитида ва ушбу номоддий активнинг кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга оловчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебетида акс эттирилади.

Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ва агарда номоддий актив бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинган бўлса ёки харид қилинган манбасини аниқлашнинг имкони бўлмаса, айбдор шахсадан ундириладиган сумма қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

кам чиқсан номоддий активнинг қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 030 субсчётнинг кредитида ва ушбу номоддий активнинг кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда, ҳақиқий харажатларни ҳисобга оловчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебетида;

айбдор шахсадан ундириладиган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши 170 «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг дебетида ва 160 «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчётининг кредитида;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга оловчи субсчётлар-

нинг дебетида ва 170 «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг кредитида;

маблағларнинг бюджет даромадига ўтказиб берилиши 160 «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчётининг дебетида ва пул маблағларини ҳисобга оловчи субсчётларнинг кредитида акс эттирилади.

Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолда (агарда номоддий актив бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган бўлса), айбдор шахсадан ундириладиган сумма ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

кам чиқсан номоддий активнинг қийматининг ҳисобдан чиқарилиши 030 субсчётнинг кредитида ва 170 «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг дебетида акс эттирилади. Агарда мазкур номоддий активнинг қиймати ва моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилган сумма ўртасида фарқ мавжуд бўлса, ушбу фарқ 170 субсчётнинг дебетида (ёки кредитида) ва 272 «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» субсчётининг кредитида (ёки номоддий активнинг кирим қилиш манбасидан келиб чиқсан ҳолда ҳақиқий харажатларни ҳисобга оловчи 231, 241, 251, 261 ёки 271 субсчётларнинг дебетида) акс эттирилади;

айбдор шахс томонидан камомад суммасининг тўланиши тегишли пул маблағларини ҳисобга оловчи субсчётларнинг дебетида ва 170 субсчётнинг кредитида акс эттирилади.

Агарда номоддий актив бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига сотиб олинган бўлса, айбдор шахсадан ундириладиган сумма номоддий актив қийматидаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг улушкига мос равища тақсимланиб, маблағнинг тегишли қисми бюджет даромадига ўтказиб берила-  
иқтисод ва молия / экономика и финансы 2015, 11

ди, қолган қисми ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобварағига кирим қилинади ва тўлиғича моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

Агарда аниқланган камомад ўрнига моддий жавобгар шахснинг ташкилот ихтиёрига берган номоддий активи камомад чиққан номоддий актив қийматига тенг ёки кам бўлса, ушбу номоддий актив белгиланган тартибда бозор қийматида ки-

рим қилинади, етишмайдиган қисми эса моддий жавобгар шахс томонидан пул маблағларини киритиш билан қопланади ва бухгалтерия ҳисобида мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда акс эттирилади.

Номоддий активлар бўйича эскириш ҳисоблаб ёзилмайди. Аналитик ҳисоб АВ-6-сон шаклдаги инвентар карточкада ҳамда 326-сон шаклдаги асосий воситалар бўйича айланма қайдномада юритилади.

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 279-I-сонли қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-тартиб рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Йўриқнома.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасинининг 2002 йил 29 октябрдаги 4-, 129-, 2002-86-сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2002 йил 4 декабрда 1192-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «1 январь ҳолати бўйича асосий фонdlарни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2013 йил 29 ноябрдаги 68-, 38-, 4-сонли қарорлари билан тасдиқланган (Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 19 декабрда 2538-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) «Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2011 йил 27 августдаги 57-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2270-тартиб рақам билан 2011 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича» қоидалар.